	R_z	T	ρ	ε				d_{min}	d_{max}	$2Z_{min}^{np}$	$2Z_{max}^{np}$
Хом ашё	300	300	722	—	—	99,572	1600	99,572	101,172	—	—
Хомаки йўниш	100	100	44	517	2·1488	96,596	400	96,596	96,996	2976	4176
Тозалаб йўниш	30	30	29	36	2·256	96,196	87	96,196	96,283	400	713
Дастлабки жилвирлаш	10	20	15	8	2·92	96,048	35	96,048	96,083	148	200
Якуний жилвирлаш	5	15	—	2	2·35	95,978	22	95,978	96	70	83
ЖАМИ										3594	5172

Бу турдаги хом ашё учун фазовий четланишларнинг йиғинди қиймати қуйидагича топилади



$$\rho_D = \rho_{кор} = \Delta_k \cdot D$$

$$\rho_d = \sqrt{\rho_{кор}^2 + \rho_{см}^2}$$

$$\rho_{см} = \delta_\varepsilon \quad \rho_B = \Delta_k \cdot B$$

бу ерда $\rho_{кор}$ — хом ашёнинг буралиш хатолиги

Δ_k – хом ашёнинг нисбий буралиши $\Delta_k=1,5$ [3.71]

d – хом ашёнинг диаметри $d=100,0$ мм

δ_ϕ - «В» ўлчамнинг допуски

$$\rho_{кор} = 1,5 \cdot 100 = 150 \text{ мкм}$$

$$\rho_{см} = \sqrt{\left(\frac{\delta_d}{2}\right)^2 + \left(\frac{\delta_h}{2}\right)^2} = \sqrt{\left(\frac{1000}{2}\right)^2 + \left(\frac{1000}{2}\right)^2} = 707 \text{ мкм}$$

Бу ерда δ_d ва δ_h куйманинг диаметри ва баландлигига қўйиладиган допуск.

$$\rho = \sqrt{150^2 + 707^2} = 722 \text{ мкм}$$

Биринчи технологик ўтишдан кейинги қолдиқ фазовий четланиш

$$\rho_1 = 0,06 \cdot \rho = 0,06 \cdot 722 = 44 \text{ мкм}$$

Иккинчи технологик ўтишдан кейинги қолдиқ фазовий четланиш

$$\rho_2 = 0,04 \cdot \rho = 0,04 \cdot 722 = 29 \text{ мкм}$$

Учинчи технологик ўтишдан кейинги қолдиқ фазовий четланиш

$$\rho_2 = 0,02 \cdot \rho = 0,02 \cdot 722 = 15 \text{ мкм}$$

Олинган натижаларни ҳисоблашлар жадвалига киритамиз.

Ўрнатиш хатолигини куйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$\varepsilon_1 = \sqrt{\varepsilon_\phi^2 + \varepsilon_3^2}$$

Бу ерда

$$\varepsilon_\phi - \text{асослаш хатолиги } \varepsilon_\phi = 350 \text{ мкм [4.34]}$$

$$\varepsilon_3 - \text{Маҳкамлаш хатолиги } \varepsilon_3 = 380 \text{ мкм [3.76]}$$

Асослаш хатолиги мазкур ҳолатда хом ашёнинг горизонтал ва вертикал текисликда қийшиқ ўрнатиш ва маҳкамлаш натижасида келиб чиқади.

$$\varepsilon_1 = \sqrt{350^2 + 380^2} = 517 \text{ мкм}$$

Иккинчи технологик ўтишда қолдиқ ўрнатиш хатолиги

$$\varepsilon_2 = 0,05 \cdot \varepsilon_1 = 0,05 \cdot 517 = 36 \text{ мкм}$$

Хомаки жилвирлашда ўрнатиш хатолиги

$$\varepsilon_3 = 0,05 \cdot \varepsilon_2 + \varepsilon_{инд.} = 0,05 \cdot 36 + 6 = 8 \text{ мкм}$$

$$\varepsilon_{инд.} = 6 \text{ мкм детални қайта ўрнатиш хатолиги [4.67].}$$

Якуний жилвирлаш учун

$$\varepsilon_4 = 0,05 \cdot \varepsilon_3 = 0,05 \cdot 36 = 1 \text{ мкм}$$

Олинган натижаларни ҳисоблашлар жадвалига киритамиз.

Жадвалга ёзилган натижалар асосида операциялараро куйимларнинг минимал қийматларини аниқлаймиз:

$$2Z_{\min} = 2 \cdot (Rz_{i-1} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2})$$

Минимал куйим:

Хомаки йўниш учун

$$2Z_{\min 1} = 2 \cdot (300 + 300 + \sqrt{722^2 + 517^2}) = 2 \cdot 1488 \text{ мкм}$$

Тозалаб йўниш учун

$$2Z_{\min 2} = 2 \cdot (100 + 100 + \sqrt{44^2 + 36^2}) = 2 \cdot 256 \text{ мкм}$$

Хомаки жилвирлаш учун

$$2Z_{\min 3} = 2 \cdot (30 + 30 + \sqrt{29^2 + 8^2}) = 2 \cdot 92 \text{ мкм}$$

Якуний жилвирлаш учун

$$2Z_{\min 4} = 2 \cdot (10 + 20 + \sqrt{15^2 + 2^2}) = 2 \cdot 35 \text{ мкм}$$

Ҳисобий ўлчам охири тайёр деталнинг ўлчамидан бошлаб аниқланиб, ҳар бир технологик ўтишнинг минимал припуски қўшиш орқали топилади.

Шундай қилиб, учун якуний жилвирлаш учун ҳисобий ўлчамни (чизмада кўрсатилган ўлчам) билган ҳолда (бизнинг ҳолатимизда $d_{p4}=95,978$ мм) қолган технологик ўтишлар учун ҳисобий ўлчамларни аниқлаймиз:

Хомаки жилвирлаш учун ҳисобий ўлчам $d_{p3}=95,978 + 0,07=96,048$

Тозалаб йўниш учун ҳисобий ўлчам $d_{p2}=96,048 + 0,184=96,196$

Хомаки йўниш учун ҳисобий ўлчам $d_{p1}=96,196+0,512=96,708$ мм

Хом ашё учун ҳисобий ўлчам $d_{p \text{ зар.}} = 96,708+2,976=99,684$ мм

Ҳар бир технологик ўтиш учун допусклар:

Якуний жилвирлаш учун $\delta_4 = 22$ мкм

Хомаки жилвирлаш учун $\delta_3 = 35$ мкм

Тозалаб йўниш учун $\delta_2=87$ мкм

Хомаки йўниш учун $\delta_1=400$ мкм

Хом ашё учун $\delta_{\text{зар.}}=1600$ мкм

Оралик ўлчамларнинг қийматини аниқлаймиз:

Якуний жилвирлаш учун

$$d_{\min 4}=95,978 \text{ мм}; \quad d_{\max 4}=95,978+0,022=96,0 \text{ мм};$$

Хомаки жилвирлаш учун

$$d_{\min 3}=96,048 \text{ мм}; \quad d_{\max 3}=96,048+0,035=96,083 \text{ мм};$$

Тозалаб йўниш учун

$$d_{\min 2}=96,196 \text{ мм}; \quad d_{\max 2}=96,196+0,087=96,283 \text{ мм};$$

Хомаки йўниш учун

$$d_{\min 1}=96,596 \text{ мм}; \quad d_{\max 1}=96,596+0,4=96,996 \text{ мм};$$

Хом ашё учун

$$d_{\min \text{ зар.}}=99,572 \text{ мм} \quad d_{\max \text{ зар.}}=99,572+1,6=101,172 \text{ мм};$$

Қуйимларнинг оралик қийматларини аниқлаймиз:

Якуний жилвирлаш учун

$$2Z_{\min 4}^{np} = 96,048 - 95,978 = 0,07 = 70 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\max 4}^{np} = 96,083 - 96,0 = 0,083 = 83 \text{ мкм}$$

Хомаки жилвирлаш учун

$$2Z_{\min 3}^{np} = 96,196 - 96,048 = 0,148 = 148 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\max 3}^{np} = 96,283 - 96,083 = 0,2 = 200 \text{ мкм}$$

Тозалаб йўниш учун

$$2Z_{\min 2}^{np} = 96,596 - 96,196 = 0,4 = 400 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\max 2}^{np} = 96,996 - 96,283 = 0,713 = 713 \text{ мкм}$$

Хомаки йўниш учун

$$2Z_{\min 1}^{np} = 99,572 - 96,596 = 2,976 = 2976 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\max 1}^{np} = 101,172 - 96,996 = 4,176 = 4176 \text{ мкм}$$

Олинган натижаларни ҳисоблашлар жадвалига киритамиз.

Умумий қуйим қийматини ҳисоблаймиз:

$$2Z_{0\min} = 70 + 148 + 400 + 2976 = 3594 \text{ мкм}$$

$$2Z_{0\max} = 83 + 200 + 713 + 4176 = 5172 \text{ мкм}$$

Номинал қуйим қийматини топамиз

$$Z_{0\text{ном}} = Z_{0\min} + B_3 - B_d = 3594 + 800 - 22 = 4372 \text{ мкм}$$

$$d_{3\text{ ном}} = d_{d\text{ ном}} - Z_{0\text{ном}} = 96 + 4,4 = 100,4 \text{ мм}$$

Бажарилган ҳисоблашлар тўғрилигини текшираамиз:

$$2Z_{\max 4}^{np} - 2Z_{\min 4}^{np} = 83 - 70 = 13 \text{ мм}$$

$$\delta_3 - \delta_4 = 35 - 22 = 13 \text{ мм}$$

$$2Z_{\max 3}^{np} - 2Z_{\min 3}^{np} = 200 - 148 = 52 \text{ мм}$$

$$\delta_2 - \delta_3 = 87 - 35 = 52 \text{ мм}$$


$$2Z_{\max 2}^{np} - 2Z_{\min 2}^{np} = 713 - 400 = 313 \text{ мм}$$

$$\delta_1 - \delta_2 = 400 - 87 = 313 \text{ мм}$$

$$2Z_{\max 1}^{np} - 2Z_{\min 1}^{np} = 4176 - 2976 = 1200 \text{ мм}$$

$$\delta_{\text{заг}} - \delta_1 = 1600 - 400 = 1200 \text{ мм}$$

Юқоридагидан кўриниб турибдики, ҳисоблашлар тўғри бажарилган ва уларни кейинги ҳисоб-китоблар учун қабул қиламиз.



Ø90h6 ташқи юзага механик ишлов бериш учун қуйимлар ва оралик ўлчамларнинг график тасвири.

Кесиш ҳолати элементларини ҳисоблаш

Кесувчи асбобнинг характеристикаси

Кесувчи қисмининг материали: Т15К6; асосий бурчак $\varphi = 90^0$;

Кескич учининг радиуси $r = 1,0$ мм; ГОСТ 18868–73

Хомаки ишлов бериш учун

1. Кесиш чуқурлиги хомаки ишлов беришда $t = 3,0$ мм.

2. Суриш хомаки ишлов беришда $S_o = 0,6$ мм/об [4.364]

Кесиш тезлиги v , қуйидаги эмперик формула орқали топилади

$$v = \frac{C_v}{T^m t^x s^y} K_v$$

Бу ерда

C_v – кесиш тезлигининг коэффиценти, $C_v = 290$ [4.367]

m, x, y – даража кўрсаткичлари; $m = 0,2$, $x = 0,15$, $y = 0,35$ [4.367]

T – кесувчи асбобнинг турғунлик даври, мин; $T = 30$ мин. [4.367]

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{nv} \cdot K_{uv}$$

K_{mv} – ишлов берилаётган материални ҳисобга олувчи коэффицент, [3.];

$$K_{mv} = K_{Mv} = K_r \left(\frac{750}{\sigma_B} \right)^{n_v} = 1,0 \left(\frac{750}{980} \right)^{1,0} = 0,77$$

$$K_v = 0,77 \cdot 1,0 \cdot 0,8 = 0,62$$

$K_{nv} = 0,8$ хом ашё юзасининг ҳолатини ҳисобга олувчи коэффицент, [4.361]

$K_{uv} = 1,0$ кесувчи асбоб материали ҳисобга олувчи коэффицент, [4.361]

$$v = \frac{290}{30^{0,2} \cdot 3,0^{0,15} \cdot 0,6^{0,35}} \cdot 0,62 = \frac{179,8}{1,97 \cdot 1,18 \cdot 0,84} = 92,1$$

4. Шпинделнинг айланиш частотаси

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 92,1}{3,14 \cdot 96,3} = 304,5 \text{ айл / мин}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича танлаймиз $n_d = 250,0$ айл/мин.

5. Ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича ҳисобланади

$$V_d = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 96,3 \cdot 250}{1000} = 75,6 \text{ м / мин}$$

6. Кесиш кучини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$P_z = 10 C_p t^x s^y v^n K_p.$$

Бу ерда:

C_p – кесиш кучининг доимийси, $C_p = 300$ [4.]

x, y, n – Даража кўрсаткичлари; $x = 1$, $y = 0,75$, $n = -0,15$ [4.367]

K_p – кесиш кучини тузатиш коэффиценти

$$K_p = K_{mr} K_{\varphi p} K_{\gamma p} K_{\lambda p} K_{rp}$$

K_{mr} ; $K_{\varphi p}$; $K_{\gamma p}$; $K_{\lambda p}$; K_{rp} – ишлов берилаётган материал ва кесувчи асбоб параметрларини ҳисобга олувчи коэффицентлар.

$$K_{mp}=1,22 [4.362] \quad K_{\phi p}=0,89; \quad K_{\gamma p}=1,1; \quad K_{\lambda p}=1,0; \quad K_{rp}=1,0 [4.374]$$

$$K_p = 1,22 \cdot 0,89 \cdot 1,1 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1,2$$

$$P_z = 10 \cdot 300 \cdot 3^{1,0} \cdot 0,6^{0,75} \cdot 75,6^{-0,15} \cdot 1,2 = 3000 \cdot 3 \cdot 0,7 \cdot 0,52 \cdot 1,2 = 3931 \text{ Н}$$

7. Кесиш учун сарланадиган қувватни қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз, кВт,

$$N = \frac{P_z v}{1020 \cdot 60} = \frac{3931 \cdot 75,6}{1020 \cdot 60} = 4,86 \text{ кВт}$$

8. Вақт бўйича суришни ҳисоблаймиз, мм/мин

$$S_M = n_o \cdot s_o = 250 \cdot 0,6 = 150 \text{ мм/мин}$$

9. Операцияни бажариш учун сарфланадиган асосий вақт қуйидагича топилади:

$$T_o = \frac{L}{S_m}, \text{ мин}$$

Бу ерда L —кесувчи асбобнинг ишчи юриш узунлиги, мм.

$$L = l + l_1 + y$$

Бу ерда

l — ишлов берилаётган юзанинг узунлиги, 65 мм;

l_1 — кесувчи асбобни хом-ашиёга яқинлашиш масофаси, $l_1 = 5$ мм [5.300];

y — кесувчи асбобни хом-ашиёдан чиқиш масофаси, мм; $y = 6$ мм [5.302]

$$T_o = \frac{65 + 5 + 6}{150} = 0,51 \text{ мин}$$

10. Операция учун донабай вақт қуйидаги формуладан топилади:

$$T_{\text{итт}} = T_o + T_g + T_{\text{об.}} + T_{\text{от.}}$$

Бу ерда T_g —ёрдамчи вақт, мин;

$$T_g = T_{y.c.} + T_{z.o.} + T_{yn.} + T_{uz.}$$

$T_{y.c.}$ — детални ўрнатиш ва ечиб олиш учун вақт, мин; $T_{y.c.} = 0,46$ [3.197]

$T_{z.o.}$ — детални маҳкамлаш ва бўшатиш учун вақт, мин; $T_{z.o.} = 0,024$ [3.201]

$T_{yn.}$ — дастгоҳни бошқариш ам алларини бажариш учун вақт, мин; $T_{yn.} = 0,025$ [3.203]

$T_{uz.}$ — Детални ўлчаш учун вақт; мин; $T_{uz.} = 0,15$ [3.207]

$$T_g = 0,46 + 0,024 + 0,025 + 0,15 = 0,66 \text{ мин}$$

Ишлов бериш учун оператив вақт $T_{\text{оп.л}} = T_o + T_g = 0,51 + 0,66 = 1,17 \text{ мин.}$

Тозалаб йўниш учун

1. Кесиш чуқурлиги хомаки ишлов беришда $t = 0,8$ мм.

2. Суриш хомаки ишлов беришда $S_o = 0,15$ мм/об [4.366]

Кесиш тезлиги v қуйидаги эмперик формула орқали топилади

$$v = \frac{C_v}{T^m t^x s^y} K_v$$

Бу ерда

C_v — кесиш тезлигининг коэффиценти, $C_v = 290$ [4.367]

m, x, y — даража кўрсаткичлари; $m = 0,2$, $x = 0,15$, $y = 0,35$ [4.367]

T — кесувчи асбобнинг турғунлик даври, мин; $T = 60$ мин. [4.367]

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{nv} \cdot K_{uv}$$

K_{mv} – ишлов берилаётган материални ҳисобга олувчи коэффициент, [3.];

$$K_{mv} = K_{mv} = K_r \left(\frac{750}{\sigma_B} \right)^{n_v} = 1,0 \left(\frac{750}{980} \right)^{1,0} = 0,77$$

$$K_v = 0,77 \cdot 1,0 \cdot 0,1 = 0,77$$

$K_{nv} = 1,0$ хом ашё юзасининг ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициент, [4.361]

$K_{uv} = 1,0$ кесувчи асбоб materiali ҳисобга олувчи коэффициент, [4.361]

$$v = \frac{290}{60^{0,2} \cdot 0,8^{0,15} \cdot 0,15^{0,35}} \cdot 0,77 = \frac{223,3}{2,27 \cdot 0,98 \cdot 0,52} = 193,1 \text{ м / мин}$$

4. Шпинделнинг айланиш частотаси

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 193,1}{3,14 \cdot 96} = 683,3 \text{ айл / мин}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича танлаймиз $n_d = 630$ айл/мин.

5. Ҳақиқий кесии тезлиги қуйидагича ҳисобланади

$$V_d = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 96 \cdot 630}{1000} = 189,9 \text{ м / мин}$$

6. Кесии кучини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$P_z = 10 C_p t^x s^y v^n K_p.$$

Бу ерда:

$$C_p = 300; \quad x=1, \quad y=0,75, \quad n=-0,15 \quad [4.367]$$

K_p – кесии кучини тузатиш коэффициенти

$$K_p = K_{mr} K_{\phi p} K_{\gamma p} K_{\lambda p} K_{rp}$$

K_{mr} ; $K_{\phi p}$; $K_{\gamma p}$; $K_{\lambda p}$; K_{rp} –ишлов берилаётган материал ва кесуви асбоб параметрларини ҳисобга олувчи коэффициентлар.

$$K_{mr} = 1,22 \quad [4.362] \quad K_{\phi p} = 0,89; \quad K_{\gamma p} = 1,1; \quad K_{\lambda p} = 1,0; \quad K_{rp} = 1,0 \quad [4.374]$$

$$K_p = 1,22 \cdot 0,89 \cdot 1,1 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1,2$$

$$P_z = 10 \cdot 300 \cdot 0,8^{1,0} \cdot 0,15^{0,75} \cdot 188,4^{-0,15} \cdot 1,2 = 3000 \cdot 0,8 \cdot 0,24 \cdot 0,46 \cdot 1,2 = 122 \text{ Н}$$

7. Кесии учун сарланадиган қувватни қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз, кВт,

$$N = \frac{P_z v}{1020 \cdot 60} = \frac{122 \cdot 189,9}{1020 \cdot 60} = 0,39 \text{ кВт}$$

8. Вақт бўйича суришни ҳисоблаймиз, мм/мин

$$S_M = n_d \cdot s_o = 630 \cdot 0,15 = 94,5 \text{ мм/мин}$$

9. Операцияни бажариш учун сарфланадиган асосий вақт қуйидагича

$$\text{топилади: } \frac{65+5+6}{150} = 0,51 \text{ мин}$$

$$T_o = \frac{L}{S_m} = \frac{65+5+6}{94,5} = 0,81 \text{ мин, мин}$$

10. Операция учун донабай вақт қуйидаги формуладан топилади:

$$T_{\text{итт}} = T_o + T_{\phi} + T_{\text{об.}} + T_{\text{от.}}$$

Бу ерда T_6 —ёрдамчи вақт, мин;

$$T_6 = T_{yn.} + T_{из.}$$

T_{yn} —дастгоҳни бошқариш ам алларини бажариш учун вақт, мин; $T_{yn} = 0,025$
[3.203]

$T_{из.}$ —Детални ўлчаш учун вақт; мин; $T_{из} = 0,18$ [3.207]

$$T_{62} = 0,025 + 0,18 = 0,21 \text{ мин}$$

Ишлов бериш учун оператив вақт $T_{он.2} = T_o + T_6 = 0,81 + 0,21 = 1,02$ мин.

Операция учун умумий оператив вақт $T_{он.} = T_{он.1} + T_{он.2} = 1,17 + 1,02 = 2,19$ мин.

$T_{об.}$ —иш жойига хизмат кўрсатиш учун вақт, мин;

$$T_{об.} = \frac{6 \cdot T_{он}}{100} = \frac{6 \cdot 2,19}{100} = 0,13 \text{ мин}$$

$T_{ом.}$ —ишчининг дам олиши ва шахсий ишлари учун вақт, мин;

$$T_{об.} = \frac{4 \cdot T_{он}}{100} = \frac{4 \cdot 2,19}{100} = 0,1 \text{ мин}$$

Шундай қилиб, донабай вақт:

$$T_{итт} = 2,19 + 0,13 + 0,1 = 2,42 \text{ мин.}$$

Махсус мосламанинг ишлаш принципи

Машинасозликнинг асосий курилмаларидан бири мосламалар ҳисобланади. Мосламалар механик ишлов бериш жараёнида деталлрни дастгоҳда ўрнатиш ва кесувчи асбобга нисбатан маълум ҳолатда туришини таъминлаши зарур. Мосламалар дастгоҳсозлик заводлари (цеҳларида) ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда мосламалар асосий вазифани бажаради.

Мослама - деб металл қирқувчи дастгоҳларда ишлов берилувчи деталларни конструкциясида кўрсатилган шартларни таъминловчи, аниқлигини, формасини ва ишлов берилаётган юзаларни ўзаро ҳолатини таъминловчи ва ишлов бериш жараёнида уни маҳкамлаш вазифасини бажарувчи қўшимча курилмаларга айтилади.

Замонавий механик –йигув цеҳлари мосламаларни жуда катта паркига эга бўлиб, йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ҳар бир ишлов берилувчи деталга уртача 10-12 тадан мослама тугри келади. Буларни ичида 80–90% и деталларни ўрнатиш ва маҳкамлаш учун ишлов беришда кулланиладиган дастгоҳ мосламаларини ташкил қилади.

Мосламаларни машинасозликда кулланилиши, ишлаб чиқаришни унумдорлигини; ишлов бериш аниқлигини; йиғиш-текшириш ишлари унумдорлигини оширади, заготовкаларни ишлов беришдан олдин ишлов берилувчи қисмини белгилашни (разметка) йукотади, берилган операцияни меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради, меҳнат шароитини энгиллаштириб уни хавфсизлигини таъминлайди, дастгоҳларни технологик имкониятларини оширади ва купдастгоҳли хизматни таъминлаб ишчилар сонини камайтиради.

Мосламалар ишнинг максадига кура 5 гуруҳга бўлинади:

1. *Дастгоҳ мосламалари* – уларни дастгоҳда ишлов бериш учун заготовкаларни ўрнатиш ва маҳкамлаш учун кулланилади. Механик ишлов беришни турига қараб улар: токарлик, пармалаш, фрезерлик, йуниб кенгайтириш, жилвирлаш ва бошқа дастгоҳлар мосламаларига бўлинади. Бу мосламалар мосламаларни умумий сонига нисбатан 70 – 80 % ни ташкил қилади.

2. *Ишчи асбобларни маҳкамлаш мосламалари* – улар куп асбобларни нормаллашган ва стандартлашганлиги учун куп сонли деталларни нормаллашган ва стандартлашгани билан характерланади. Буларга пармалаш учун патронлар, развертка ва метчиклар головкалари ва державкалар қиради.

Юкоридаги 1 ва 2 гуруҳ мосламалари технологик системани асосий негизи ҳисобланади.

3. *Йигув ишлари мосламалари* – булар йигув бирликлари ва бирикувчи деталларни бириктиришда, база деталларни маҳкамлашда ҳамда деформациялаб йигилувчи деталларни йиғишдан олдин деформациялаб йиғишга

(пружина, рессорлар) ҳамда йигув вақтида катта куч таъсири талаб этилувчи деталларни йиғишда кулланилади (заклепка-бириктириш, клепка-парчинлаш, вальцовка-жувалалаш, напресовка-пресслаш ва х.к.).

4. *Текишиш мосламалари* – булар заготовкаларни, ишлов берилаётган деталларни оралик ҳамда охирги текширишда ва йигилган машина ва элементларни текширишда кулланилади.

5. *Камровчи, силжитувчи, айлантирувчи мосламалар* – ишлов берилаётган заготовкаларни кисиб олиб бошка ерга кучириш ва айлантириб бошка ишлов бериш ҳолатига келтириш учун ишлатилади.

Махсус мосламаларни (ММ) – маълум бир детални маълум бир операцияси учун қўлланилади. Ишлаб чиқаришни алмаштирилган ҳолда ва деталлари яроксиз ҳолга келганда бундай мосламалар ташлаб юборилади. Бундай мосламаларни тайёрлаш куп меҳнатли ва қийматдир. Улар асосан *оммавий* ва *йирик серияли* ишлаб чиқаришларда кулланилади.

Мосламалар *механизациялашган даражасига* кура кул, кучли, механизациялашган, яримавтоматлашган ва автоматлашган турларига бўлинади.

Мосламалар ишлатишга қулай ва хавфсиз, тез ҳаракатга келувчи, ишлов беришни аниқлигини таъминлаши учун етарли даражада мустаҳкам, қулай яъни дастгоҳга урнатишда ва олишда қулай, конструкцияси содда, тайёрлашга арзон ва таъмирлашга қулай бўлиши керак.

Мен берилган операцияни бажаришда 3 кулочокли патрондан фойдаландим, у стандартлаштирилган мослама бўлиб ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Уни янгидан лойихалаш талаб этилмайди, шунинг учун мен 005 фрезалаш–пармалаш операциямда қўллаш учун махсус пневматик мослама лойихаладим. Мазкур мослама тузилиши жуда оддий бўлиб меҳнат унумдорлигини оширади. Мослама 0,4 МПа босим остидаги сиқилган ҳаво ёрдамида ишлайди. Мосламанинг ўрнатиш элементи сифатида призмадан фойдаланилган. Мосламанинг ишлаш принципи қуйидагича, ишлов бериладиган детал призмага ўрнтилгандан сўнг ҳаво цилиндрининг штоксиз қисмига сиқилган ҳаво киритилади. Поршень юқорига ҳаракатланиб ричагнинг чап томонини кўтаради, ўз навбатида ричагнинг ўнг томони пастга ҳаракатланиб детални призмаларга сиқади. Деталга ишлов берилгандан кейин штокли қисмга ҳаво юборилади ва поршень пастга ҳаракатланади. Натижада ричаг бўшатилиб детал ечиб олинади.

Мосламанинг сиқииш кучини ва хавфли кесимини ҳисоблаш


Дастлабки берилганлар:

Кесииш кучи $P_z = 1840 \text{ Н}$.

Кесувчи асбоб: Парма, бармоксимон фреза.

Тизимнинг ишчи босими: 0,4 МПа.

Мосламанинг талаб қилинадиган сиқииш кучи қуйидаги схема бўйича ҳисобланади.



$$P_3 = \frac{2KM}{D_3(f_2 + f_1 : \sin 0,5\alpha)}$$

Бу ерда

α – призманинг бурчаги; $\alpha=90^0$

D_3 – заготовканинг диаметри;

f_1, f_2 – призма ва деталнинг контакт юзаларидаги ишқаланиш коэффициенти; $f_1 = f_2 = 0,16$

M – таъсир этаётган айлантирувчи момент; $M=65 \text{ Н}\cdot\text{м}$

K – умумий захира коэффициенти.

$$K = K_0 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6$$

K_0 - маҳкамлашни гарантияли мустаҳкамлигини ифодалаб, барча ҳолатлар учун доимо 1.5 га тенгдир. $K_0=1.5$

K_1 – коэффициенти, заготовкадаги нотекислар туфайли кесиш кучини ортишини ифодаловчи коэффициентдир. Дастлабки ишлов беришда – $K_1=1,2$

K_2 – коэффициенти, кесувчи асбоб кесувчи кисмини утмас холга келганлиги туфайли кесиш кучини ортишини ифодаловчи коэффициент булиб, $K_2=1,2$.

K_3 – узлукли кесишда кесиш кучининг ўсишини ифодаловчи коэффициент, $K_3=1,2$


K_4 – қисувчи кучнинг доимий эмаслигини ифодаловчи коэффициент, $K_4=1,0$

K_5 – қўл кучи билан қисиш қурилмалари дастакларини жойлашув қулайлигини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_5=1,0$

K_6 – айлантирувчи моментлар мавжудлигини ифодаловчи коэффициент, $K_6=1,5$

$$K = 1,5 \cdot 1,2 \cdot 1,2 \cdot 1,2 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 1,5 = 3,9$$

$$P_3 = \frac{2 \cdot 3,9 \cdot 18400}{96(0,16 + 0,16 : \sin 0,5 \cdot 90^0)} = \frac{84640}{39} = 2170 \text{ Н}$$



Мосламага таъсир қилувчи кучларнинг схемаси


Мосламанинг сиқиш кучини массалар тенглиги шартига биноан топамиз,
яъни

$$P_u \cdot l_1 = P_c \cdot l_2$$

Ушбу тенгламадан P_3 ни топсак қуйидагига эга бўламиз

$$P_u = \frac{P_c \cdot l_2}{l_1} = \frac{2170 \cdot 145}{120} = 2622 \text{ Н}$$

II. Мосламанинг сиқиш кучи ва хавфли кесими ҳисоби
Бу схемадан сиқиш кучини топамиз.



$$P = (P_f + kP) / (f + f)$$

бу ерда, $f = f = 0,7$ сирпаниш коэффициенти
К - захира коэффициенти.

$$K = K_1 * K_2 * K_3 * K_4 * K_5 = 1,5 * 1,2 * 1,2 * 1,1 * 1,3 = 3,36$$


К - Кафолатланган захира коэффициенти;
К - Кесиш кучини купайтириш ҳисобига олувчи коэффициент;
К - Кесувчи асбобни утмаслашишини ҳисобга олувчи коэффициент;
К - Узлукли кесишни ҳисобга олувчи коэффициент;
К - Сиқиш кучини барқарорлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

$$2P = 11700 \text{ Н}$$

$$P = 11700 / 2 = 5850 \text{ Н}$$

Шток кучини хисоблаймиз
Бу схемада шток кучи

$$Q = P \cdot l_1 / l = 5850 \cdot 35 / 60 = 3112 \text{ Н}$$



Бунда, $l = 60 \text{ мм}$; $l_1 = 35 \text{ мм}$.
Энди цилиндр диаметрини топамиз.

$$Q = 0.785 \cdot D^2 \cdot P \cdot \phi$$

бу ерда, $P = 0,4 \cdot 10$ - цилиндрдаги босим;
 $\phi = 0,95$

$$D = \sqrt{\frac{Q}{0.785 \cdot P \cdot \phi}} = 39 \text{ мм}$$

Энг якин стандарт кийматини топамиз $D = 40 \text{ мм}$.

Мосламани хавфли кесимини топамиз

Ушбу мосламада хавфли кесим бармоқ детали хисобланади


$$d \leq 0.226 R$$

Реакция кучи

$$R = P + Q = 5850 + 3112 = 8962$$

$$d \leq 0,226 \cdot 8962 = 9,5 \text{ мм}$$

$d = 10 \text{ мм}$, деб қабул киламиз.



Механик ишлов бериш усуллари иқтисодий таққослаш

Вариантларни техник-иқтисодий таққослаш учун аввал ишлаб чиқилган операцияларни танлаш зарур. Икки операцияни таққослаш учун нисбатан илғор ускуна, дастгоҳий мослама, кесувчи ва ўлчовчи асбобдан фойдаланиш керак. Операциянинг ҳар бир варианты бўйича технологик таннарх аниқланиши ва таққослаш амалга оширилиши лозим.

Таққослаш учун битта юзанинг ўзига ҳар хил усуллар билан ишлов бериш тортилади.

Хомаки деталга ишлов беришнинг технологик таннархи қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

- хомаки детал материалларининг баҳоси;
- ишлаб чиқариш ишчиларининг ижтимоий химоялаш бўйича устама киймати ҳисобга олинган ҳолдаги асосий ва қўшимча иш хақи;
- электроэнергия харажатлари;
- асбоб ва мосламалар ва уларни ишлатиш ва сақлашга харажатлар;
- ускунанинг балансдаги баҳосидан амортизацион ажратмалар;
- технологик ускунани сақлаш бўйича харажатлар;
- технологик ускунанинг жорий таъмирлашга харажатлар.

Ишлов бериш вариантыни танлашда операция таннархининг ҳисоби харажатларнинг бевосита тақсимланиш услуби (калькуляция қилиш услуби) ёки меъёрий услубда амалга оширилиши мумкин.

Операция учун хом–ашёга ишлов бериш технологик таннархининг барча моддалари бўйича харажатлар бевосита калькуляция қилиш билан аниқланади:

$$C_{\text{оп}} = Z_{\text{оп}} + Э_{\text{с}} + Z_{\text{и.р}} + Z_{\text{пр}} + A_{\text{ст}} + O_{\text{с.о}} + T_{\text{у}} \quad (1)$$

Бу ерда:

- $Z_{\text{оп}}$ – ишчининг бир операцияни бажаришда олган иш хақи, сўм;
- $Э_{\text{с}}$ – электр энергия учун харажатлар, сўм;
- $Z_{\text{и.р}}$ – кесувчи асбоб учун харажатлар, сўм;
- $Z_{\text{пр}}$ – дастгоҳ мосламаси учун харажатлар, сўм;
- $A_{\text{ст}}$ – ускунанинг балансдаги таннархидан амортизацион ажратмалари, сўм;
- $O_{\text{с.о}}$ – ускунани сақлаш бўйича харажатлар, сўм;
- $T_{\text{у}}$ – ускунани жорий таъмири учун харажатлар, сўм.

Материаллар ва ярим фабрикатларнинг нархи материаллар сарфининг турли меъёрлари ёки хомаки деталь хосил қилишнинг турли услублари кўзда тутиладиган технологик операция самарадорлигини солиштирма баҳолашда ҳисобга олинади.

Дастгоҳчиларнинг иш ҳақлари бир операция учун ишлов бериш меҳнат хажмийлиги мураккаблиги) бўйича аниқланади:

$$Z_{\text{он}} = T_{\text{и}} \cdot T_{\text{з}} \quad (2)$$

бу ерда $T_{\text{з}}$ – тегишли иш разряди иш ҳақининг тариф ставкаси, сўм $T_{\text{з}}=310$ сўм.

$T_{\text{и}}$ – операцияни бажариш учун донабай вақт, мин $T_{\text{и}}=2,42$ мин

$$Z_{\text{он}} = 2,42 \cdot 310 = 750,2 \text{ сўм}$$

Электроэнергия учун харажатлар дастгоҳни ишлатиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Берилган операцияда битта хом–ашёга ишлов беришга тегишли ушбу харажатларнинг қиймати қуйидагича аниқланади.

$$\mathcal{E}_c = \frac{N_{cm} \cdot \eta_m \cdot T_o}{60 \cdot \eta_c \cdot \eta_{cm}} C_3 \quad (3)$$

бу ерда

N_{cm} - дастгоҳ электродвигателларининг ўрнатилган қуввати, кВт; $N_{cm}=8 \text{ кВт}$.

η_m – дастгоҳ электродвигателларининг қувват бўйича юкланиш коэффиценти, металлни кесиш маромига боғлиқ равишда ($\eta_m = 0,5 \div 0,9$);

T_o – берилган операция учун асосий (технологик) вақт, мин; $T_o=2,19$ мин

η_c – тармокдаги қувват йўқолишини ҳисобга олувчи коэффиценти $\eta_c = 0,96$;

η_{cm} – электродвигателларнинг фойдали иш коэффиценти (Ф.И.К.), ($\eta_{cm} = 0,90 + 0,95$).

C_3 – 1 кВт/соат электроэнергиянинг нархи, сўм (электр энергия билан таъминлаш манбаига боғлиқ равишда 100-120 сўм).

$$\mathcal{E}_c = \frac{8,0 \cdot 0,96 \cdot 2,19}{60 \cdot 0,96 \cdot 0,95} \cdot 120 = 37,0 \text{ сўм}$$

Ўлчов асбобларидан фойдаланиш бўйича харажатлар одатда кам, шунинг учун ҳисоблашларида уларни эътиборга олмаслик мумкин.

Операцияга тегишли металл қирқувчи асбобларни харажатлари:

$$3_{u.p} = \frac{C_u + C_n}{T_3} \cdot T_{ш} \quad (4)$$

бу ерда

C_u – асбобларнинг бошланғич нархи, сўм; $C_u = 15 \text{ 000 сўм}$

C_n – кесувчи асбобларни тула ейилишгача такрорий чархлаш учун харажатлар, сўм;

T_3 – кесувчи асбобларни умумий ишлаш вақти, мин; $T_3= 150$ мин

$T_{ш}$ – операция учун донабай вақт, мин; $T_{ш} = 2,42$ мин

Универсал кесувчи асбобнинг нархи чакана нархлар нархномаси бўйича махсус кесувчи асбоблар нархи эса тайёрловчи корхонанинг режадаги нархи бўйича қабул қилинади. Кесувчи асбобларни такрорий чархлаш учун харажатлар уни сотиш нархининг тахминан 30% ини ташкил этади. Кесувчи асбоб учун харажатлар унинг иш вақти бирлиги учун аниқланади

$$C_n = \frac{30 \cdot C_u}{100} = \frac{30 \cdot 15000}{100} = 4500 \text{ сўм}$$

$$3_{u.p} = \frac{15000 + 4500}{150} \cdot 2,42 = 314,6 \text{ сўм}$$

Металл кесувчи дастгоҳларнинг махсус жихозлари ва мосламалари учун харажатлар

$$3_{np} = \frac{C_0 K_{зат}}{\Phi_0} \cdot 100 \quad (6)$$

бу ерда:

C_0 – мослама ёки жихознинг ҳақиқий ёки режали баҳолаш бўйича умумий нархи, сўм; $C_0=1350000$ сўм

$K_{зат}$ - дастгоҳий мосламаларни жорий таъмирлаш учун харажатлар ҳисобига нархнинг ўсиш коэффиценти; $K_{зат}=1,4$

Φ_0 – ускунанинг ҳақиқий иш вақти фонди, дастгоҳ минутлар.

Ускунанинг нархи одатда икки йил мобайнида қопланади. ($\Phi_0 = 429000$ мин.).

$$Z_{np} = \frac{1350000 \cdot 1,4}{429000} \cdot 100 = 440,6 \text{ сўм}$$

Буюм бирлигига тўғри келадиган амортизацион ажратмалар қуйидаги формула орқали топилади

$$A_{cm} = \frac{C_{o.cm.} \cdot H_{отч.}}{100 \cdot N} \quad (7)$$

$C_{o.ст.}$ – ускунанинг бошланғич нархи, сўм; $C_{o.ст.} = 125\,000\,000$ сўм

$H_{отч.}$ – амортизацион ажратмаларнинг меъёри %, $H_{отч.} = 14,8$ %

N – йиллик дастур. $N = 2000$

$$A_{cm} = \frac{125000000 \cdot 14,8}{100 \cdot 2000} = 9250 \text{ сўм}$$

Дастгоҳий мослама нархи чакана нархлар нархномалари бўйича қабул қилинади. Ишлов берилган махсулот бирлигига тўғри келадиган дастгоҳий ускунани сақлаш учун харажатлар:

$$O_{c.o.} = \frac{10 \cdot C_o}{100 \cdot N} = \frac{10 \cdot 1350000}{100 \cdot 2000} = 67,5 \text{ сўм}$$

Дастгоҳий ускунани сақлаш учун харажатлар унинг мураккаблиги ва иш вақтига боғлиқ. Бу харажатлар йиғиндисига ускунани ишлатишда керак бўладиган материаллар (мойлаш, артиш материаллари, совутиш суюқликлари, тасмалар ва бошқалар) учун харажатлар ва ишчиларнинг иш ҳақи киради.

Ускунани жорий таъмирлаш учун харажатлар унинг балансидаги нархининг ўртача 10 фоизи, ускунанинг алоҳида турлари бўйича эса 30-40 фоизига етади. Улар РОТ (режали огохлантирувчи таъмир) ягона тизимнинг меъёрийликлари (норматив) бўйича аниқланади.

$$T_y = \frac{10 \cdot C_{o.cm.}}{100N} = \frac{10 \cdot 125000000}{100 \cdot 2000} = 6250 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб операция учун жами харажатлар қуйидагига тенг:

$$C_{оп} = 750,2 + 37 + 314,6 + 440,6 + 9250 + 67,5 + 6250 = 17049,9 \text{ сўм}$$

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			Лойиха бўйича	Мавжуд технология бўйича
1	Иш ҳақи учун харажатлар	Сўм	750,2	762
2	Электр энергия учун харажатлар	Сўм	37	44
3	Кесувчи асбоб учун харажатлар	Сўм	314,6	308
4	Дастгоҳ мосламаси учун харажатлар	Сўм	440,6	455
5	Амортизацион ажратмалар	Сўм	9250	9800
6	Ускунани сақлаш бўйича харажатлар	Сўм	67,5	88,3
7	Ускунани жорий таъмирлаш учун харажатлар	Сўм	6250	6344,7
Жами			17049,9	17802

Таклиф қилинаётган технологияни қўллаш ҳисобига куталадиган иқтисодий самара қуйидагича аниқланади

$$\mathcal{E}_{\text{эф.}} = (C_{\text{оп. суц. тех}} - C_{\text{оп. проект}}) \cdot N = (17802 - 17049,9) \cdot 2000 = 1504200 \text{ сўм}$$